ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ЁЗМА НУТҚНИ ЎСТИРИШНИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН СИФАТИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ф.Ш.Алимов

В статье рассматриваются вопросы развития навыков письменной речи на английском языке у студентов нефилологических факультетов.

This article discusses the problems of formation and development of writing skills of students in the non-linguistic faculties.

Ушбу мақолада инглиз тилидаги ёзма нутқни ўстириш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар баён қилинади. Маълумки, ёзув гапириш, тинглаб-тушуниш ва ўқиш билан бир қаторда нутқий фаолият турларидан бири ҳисобланади ва нутқий мулоқотда ўз ўрнига эга. Одатда, кўпроқ эътибор оғзаки нутққа қаратилганлиги сабабли ёзма нутқ кўникмаларини ўстириш чет тили ўқитишда бироз эътибордан четда қолиб кетмоқда. Бунга мисол қилиб ўрта мактаб дастурларида ҳамда нофилологик факультетларда чет тили ўқитиш дастурларини келтириш мумкин. Уларда чет тилидаги ёзувга асосан ўқитиш воситаси сифатида қаралади ва ёзувнинг мулоқот жараёнидаги ролига унчалик аҳамият берилмайди. Ўрта мактабда ёзма нутққа ўргатишдаги юқори натижа хорижлик ўртоғига хат ёзиш билан чегараланиб қолмоқда. Олий ўқув юртларининг нофилологик факультетларида ҳам чет тилидаги ёзувга, асосан, чет тили ўқитиш воситаси сифатида қаралмоқда. Талабалар ўзларининг бўлажак касбий фаолиятларидаги ёзувнинг ролини яхши ҳис этмайдилар. Бу эса ёзма нутққа бўлган қизиқишни йўқ қилиб, аксинча, унга нисбатан эътиборсизлик ва маъсулятсизликни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари, сўнгги йилларда кўпчилик фанларда (шунингдек чет тил ўқитишда ҳам) якуний синовлар тестлар орқали ўтказилаётгани ёзма нутқнинг назорат воситаси сифатида қўлланилишини бир оз чеклаб қўймоқда.

Аммо ҳозирги даврда мамлакатлараро интеграллашув, ҳалқаро алоқаларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида (иқтисодиёт, дипломатия, санъат, спорт ва ҳ.) янада ўсиб бориши ёзма нутққа янгича муносабатни шакллантиришини талаб этмоқда. Масалан, яхши менеджер ёзувда ўз кўз қараши ва фикр-мулоҳазаларини, шунчаки фактларни баён қилиш билан чекланиб қолмасдан, аксинча, ҳамкасбини ёки хат йўналтирилган шахсни ўз фикр-мулоҳазаларининг тўғрилигига ишонтира олиши ҳам зарур. Шунинг учун ҳам чет тили ўқитишда ёзма нутқ кўникмаларини ўстиришга алоҳида маъсулият билан қараш, зарур ҳолларда чет тили ўқитиш дастурига тегишли ўзгартиришларни киритиш ҳозирги замон талабларидан бири ҳисобланади. Бу ёзма нутққа ўргатишнинг самарали йўлларини излаб топиш ва амалиётга татбиқ қилишни тақозо этади.

Бунинг учун талабаларни ёзма нутққа ўргатишни осондан мураккабга бориш тамойили асосида ташкил қилиш, ёзма нутқда кўпроқ шуғулланиш учун шароит яратиш, уларда танқидий фикрлашни ўстириш, ўз фикрини аниқ, лўнда жумлаларда ишонарли ифодалашни ўргатиш, фикрни ёзма баён қилишнинг турли шакл ва усулларидан кенгроқ фойдаланиш, талабаларнинг аудиториядан ташқарида, мустақил иш фаолиятларида ҳам ёзма нутқ кўникмаларини ўстиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтидорли ва ўқув материалини қийинчилик билан ўзлаштирувчи талабаларга нисбатан дифференциал ёндашувни ташкил қилиш, қийин ўзлаштирувчи талабаларга ҳам ўз билим даражаси ва имкониятларидан келиб чиқиб топшириқ бериш лозим. Нофилологик факультет талабаларининг инглиз тилидаги ёзма нутқ кўникмаларини ўстиришни уларнинг олий ўқув юртига киргунга қадар инглиз тилида шакллантирилган ёзув кўникмалари асосида ташқил қилиш лозим.

Талабаларнинг инглиз тили ёзуви (графикаси, орфографияси, товуш-ҳарф муносабати) билан боғлиқ тил тажрибаси ўқитувчига ёзма нутқ кўникмаларини ўстиришни самарали ташкил қилишга, вақтдан тежашга, ёзувдаги интерференцияни бартараф қилишга ва асосий эътиборни фикрни ихчам, таъсирли ифодалашга қаратишга имкон яратади.

Фикрни баён қилишдаги кўплаб хатолар ёзма ишнинг яхши ташкил қилинмаслиги билан ҳам боғлиқ, чунки ёзаётган шахс ёзма нутққа хос қонуниятларни ҳар доим ҳам яхши тушунавермайди. Бу фақат бир босқичдангина иборат жараён бўлмай, балки бир неча босқични ўз ичига олишини ёзаётган шахс тушуниб етиши даркор.

Оғзаки нутқда гапирувчи ички нутқда маълум бир

тартибга тизилган фикр-мулоҳазаларини овоз қобиғига ўраган ҳолда ташқарига чиқаради ва таъсирчанликни ошириш мақсадида турли экстралингвистик омиллардан фойдаланади

Ёзаётган шахс эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ҳам у фикрнинг таъсирчанлигини оширишда сўзларни танлаб ўз ўрнида қўллаш, ифода баёнини турли стилистик воситалар билан кучайтиришга тааллуқли нутқ-мотор ҳаракатларини ҳам бажариши керак.

Фикрни ёзма равишда ифодалашни қуйидаги технологик жараён асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Нима ҳақда ёзишни аниқлаб олиш.
2. Ёзма иш (хат, мақола, ва ҳ.к.з.) кимга қаратилганини аниқлаш.
3. Кўзланган мақсадга эришиш учун баён қилиш усулини аниқлаш.
4. Қандай кетма-кетликда фикрни баён қилиш режасини тузиш.
5. Режага мувофиқ зарур ахборот, материаллар тўплаш.
6. Ёзма ишнинг хомаки нусхасини тайёрлаш.
7. Бир сидра ўқиб чиқиб, имловий ва стилистик хатоларни тўғрилаш.
8. Тўғриланган вариантни қайта ёзиб чиқиш.

Талабаларга ёзма иш учун топшириқ берганда, аввал гап ёзишни, сўнг абзац ва матн ёзишни машқ қилдириш лозим. Бундай ишни аввал берилган сўзларга биттадан гап тузиш, бирор нарса ёки ҳодиса хусусида икки ёки учта гап ёзишдан бошлаш талабаларнинг аста-секин боғлиқ фикр билдиришга ўтишларига ёрдам беради.

Расмни кўрсатиб, уни сўз билан тасвирлашни сўрашдан олдин, фикрий ҳужум усулини қўллаган маъқул. Бунинг учун ўқитувчи талабалардан расмга қараб турли гаплар тузишни, улар тузаётган гаплар таҳлил ва танқид қилинмаслигини айтади, ҳеч иккиланмай, чўчимай эркин фикр билдиришини сўрайди. Бундай топшириқ талабаларни фаолликка ундайди ва расм юзасидан турфа фикрлар (ғоялар) билдирилишига олиб келади. Чунки ҳар бир талаба шу расмга турли нуқтаи назардан қарайди. Кимдир унинг нима эканлиги, бошқа бири ранги, каттакичиклиги ҳақида гаплар айтишади. Шундай қилиб, расмдаги нарсаларнинг нималиги, ранги, ҳажми, вазифаси, қаерда жйлашгани билан боғлиқ гаплар айтилади. Бундай “фикрий ҳужум” орқали ўтказилган тайёргарликдан сўнг талабаларга уларни маълум бир кетма-кетликда тасвирлаб ёзиш топширилади. Ёзма иш олдидан ўтказилган оғзаки тайёргарлик нимани ва қандай ёзишни билмай турган айрим талабалар учун ҳам яхшигина “ориентир” (кўрсатма ёки намуна) бўлиши мумкин.

Талабаларда ёзма ишга нисбатан мотивацияни ҳосил қилиш ва қизиқишни уйғотиш учун турли лингводидактик ўйинлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун кичикроқ коптокча керак бўлади. Масалан, ўқитувчи доскага бир гап ёзади. “Today I must go to the university earlier than usual”. Сўнг у қўлидаги коптокчани талабалардан бирига узатади ва ундан гапни давом эттиришни сўрайди. У ҳам шу гапга мантиқий боғлиқ бир гап айтади ва коптокчани бошқа бир талабага узатади. Бундай ўйин талабаларни фаол бўлишга ва бирор фикр билдириш учун тайёр туришга ундайди, чунки коптокчани ҳар ким хоҳлаган талабага узатиши ва ундан фикр билдиришни сўраши мумкин. Билдирилаётган гапларни икки талаба ёзиб боради. Бундай иш талабалар бирор фикр билдира олмай қолгунга қадар давом этади. Сўнг талабалар икки гуруҳга бўлиниб, айтилган фикрларни қайта кўриб чиқиб, матн тузадилар ва бир-бирларига ўқиб берадилар. Бундай жамоавий ишда фақат аълочи талабалар фаол, қолганлари эса томошабин бўлиб қолмасликлари учун уларга топшириқларни бўлиб бериш мумкин: ҳар бир гуруҳдан бир талаба котиб – ёзиб боради, иккинчиси – орфографик хатоларни кузатиб, тўғрилаб боради, учинчиси грамматик хатоларни тўғрилайди, тўртинчиси ҳикояда (матнда)ги мантиқий боғлиқликни кузатиб боради, қолганлари эса турли фикр-ғояларни билдиришади. Талабаларнинг ёзма нутқ жараёнидаги фаоллигини ошириш ва уларда ёзма боғлиқ фикр билдиришга нисбатан мотивация ҳосил қилиш мақсадида қуйидаги интерфаол усулдан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Ўқитувчи доскага “Tea” сўзини ёзади ва шу мавзу билан боғлиқ бештадан феъл, сифат ва отни ифодаловчи сўзлардан ёзишни сўрайди. Бу ишда бутун гуруҳ иштирок этади. Ўқитувчи ёки бирор талаба бу сўзларни доскадаги сўз атрофига ёзиб боради. Масалан:



Шундан сўнг талабалар “tea” мавзуси асосида ҳикоя ёзадилар. Бунинг учун маълум вақт белгиланади. Талабалар ҳикояни ёзиб тугатгач, навбат билан ўқиб берадилар. Ўқитувчи бошқа талабалар билан биргаликда энг яхши ёзилган ҳикояни танлайди ва муаллиф рағбатлантирилади. Бу ишни гуруҳ-гуруҳ тарзида ҳам бажариш яхши натижа беради, ҳар бир гуруҳ аъзосининг ўз жамоаси олдидаги маъсулятини оширади ва жамоавий ишлаш кўникмаларини ўстиради.

Хулоса қилиб айтганда, нофилологик факультет талабаларининг ёзма нутқ кўникмаларини шакллантириш ҳозирги вақтдаги чет тили ўқитиш олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, бизнесга оид турли ёзишмаларни амалга оширишда ва талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятига боғлиқ ҳолда улардаги ёзма нутқ кўникмаларини ўстириш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун етук кадрлар тайёрлаш ишининг бир қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ёзма нутқ кўникмаларини ўстириш ишига янгича ёндашув ва самарали ўқитиш усулларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Сатторов Т.К. Нолисоний олий ўқув юртларида хорижий тил таълими муаммолари. // Нофилологик олий ўқув юртларида хорижий тил таълимининг долзарб муаммолари.- Т., 2008
2. Жалолов Ж.Ж. Чет тили ўқитиш методикаси.- Т.: Ўқитувчи, 1996
3. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар.- Т.: Фан, 2000
4. Рогова Г.В., Верщагина И.Н. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе.- М.: Просвещение, 1988

Андижон давлат университети,
2012 йил 5 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)